

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ОБИДОВ РАХМОНАЛИ РАСУЛОВИЧ

КЛАСТЕР ТИЗИМИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Обидов Рахмонали Расулович

Кластер тизимида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш..... 3

Обидов Рахмонали Расулович

Совершенствование учёта расходов в кластерной системе..... 23

Obidov Rahmonali Rasulovich

Improving cost accounting in the cluster system..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ОБИДОВ РАХМОНАЛИ РАСУЛОВИЧ

КЛАСТЕР ТИЗИМИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt1007 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хотамов Комил Раббимович иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович иктисодиёт фанлари доктори, профессор Мамедиёров Дилшод Уралович иктисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.117.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» 12 кунли соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (9871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (236 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси, 60А Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «27» 11 кунли тарқатилди.
(2021 йил «22» 11 даги 51 -рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабает

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К.Холмаматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD), доцент

И.Н.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (DSc)

У/К № 236
о-ка ТФИ

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибалари барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда, инвестицион фаолликни оширишда, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришда халқаро логистик марказлари, эркин иқтисодий зоналар қаторида, кластерларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти жуда юқори эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра «бугунги кунда дунёдаги илғор давлатлар иқтисодиётининг қарийб 50 фоизи кластер усулига ўтган. Масалан, Европа Иттифоқида 2 мингдан зиёд кластерлар мавжуд бўлиб, уларда ишчи кучининг 38 фоизи қамраб олинган»¹. Шунингдек, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инвестицион фаолликни ва жозибадорликни ошириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлашда кластерларни кенг жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Кластерларнинг самарали фаолият юритиши, уларни оқилона бошқариш ва яратилаётган маҳсулотларнинг таннархини тўғри шакллантиришда харажатлар ҳисобини халқаро стандартлар ҳамда кластерларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш замонавий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бир сифатида намоён бўлмоқда.

Жаҳон амалиётида иқтисодиётни инновацион тараққий эттиришда, айниқса, иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бера олмаётган ҳозирги даврда кластер назариясини амалиётга татбиқ этиш, унинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга бағишланган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга кластерларда харажатларни таснифлаш ва ҳисобини юритишда уларни вужудга келиши ва иқтисодий мазмунига мослигини таъминлаш, кластер тизимидаги корхоналарнинг харажатлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни шакллантириш, маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш ҳамда молиявий, бошқарув ва статистик ҳисоботларда улар тўғрисидаги ахборотларни ёритиб бериш каби масалалар замонавий илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда барча тармоқларда кластер тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қилинмоқда ва бу ўз навбатида қатор вазифаларни белгилаб бермоқда. Хусусан, «...биз кейинги йилдан бошлаб пахта етиштиришни тўлиқ 100 фоиз кластер усулига ўтказишга қарор қилдик. Шу билан бирга, ғаллачилик, мева-сабзотчилик, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва пиллачилик кластерларини ташкил қилиш ишларини изчил давом эттирамиз»². Ўзбекистонда кластерлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилмоқда. Бирок, кластерларда харажатлар ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари, маҳсулотлар таннархини аниқлаш услублари, харажатларни кластерлар мулкида асосий ўрин тутувчи асосий воситалар эскириши ва етиштирилаётган маҳсулотларни

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 22 ноябрь, №241 (7199), 3 б.

² <https://mineconomy.uz/uploads.pdf>

худудлар кесимида таннархини аниқлаш нуқтаи назардан ҳисобга олиш ҳамда ҳисоботларда акс эттириш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Аммо, кластер тизимида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобини уларнинг кластердаги хусусиятлари бўйича юритиш тартиблари, маҳсулотлар таннархини аниқлаш усулларининг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топмаганлиги, шунингдек, харажатлар ҳисобини юритишда ягона услубий ёндашув мавжуд эмаслиги, барча турдаги бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, даромадлар ва харажатлар тўғрисида бошқарувни тезкор маълумотлар билан таъминлаш бўйича рақамли технологияларнинг етарли эмаслиги кластер корхоналарида харажатлар ҳисобини хорижий тажрибаларга таянган ҳолда такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мазкур йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришнинг долзарблилигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 986-сон «Ўзбекистон Республикасида замонавий уруғчилик кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 18 июндаги 512-сон «Шоличилиқни барқарор ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 24 сентябрдаги 806-сон «Бошқали дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кластерларни ташкил этиш, уларда харажатлар ҳисоби, таҳлили ва назоратининг назарий услубий ва амалий жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар, жумладан, А.Маршалл, М.Портер, М.Энрайт, De Propriis L, Driffield N, Э.Бергман, Э.Фезер П.Маскелл, М.Лоренцен, М.Сторпер, Rosenfeld S, Tishchenko A.N.³ иш олиб

³ Alfred Marshall. English Political Economy. (New York and London: G.P Putnam Son's, 1885).; Портер М. (1998) Международная конкуренция/Пер.с англ.-М.: «Международные отношения» с. 398.; Enright, M.J. Survey on the Characterization of Regional Clusters: Initial Results. - Working Paper, Institute of Economic Policy

боришган. Кластерларни ривожлантириш масалаларига МДХ олимларидан В.П.Третьяк, А.А.Мигранян, Г.Б.Клейнер, Р.М.Качалов, Н.Б.Нагрудная, И.В.Пилипенко, Т.В.Цихан ва А.А. Полиди⁴лар томонидан тадқиқ қилинган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари А.Бекмуродов, М.Рахматов, Б.Зарипов, Ё.Карриева, Р.Дусмуратов, З.Хақимов, Б.Усмонов, О.Раджабов, Б.Хасанов, Р.Ҳасанова, Н.Д. Хожиёва, А. Солиев, Х. Кодиров, К.Шадиметов, Д.Мамасоатов, Б.Хақимов, М.Абдуллаев, С.Р.Топилдиев⁵ ва бошқалар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда кластер тизимида фаолият юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобини юритиш масаласи алоҳида илмий тадқиқот мавзуси сифатида танлаб олинмаган. Бу ўз навбатида, ушбу

and Business Strategy: Competitiveness Program, University of Hong Kong, Sun Hung Kai, 2000-21 p.; De Propriis L., Driffield N. The importance of clusters for spillovers from foreign direct investment and technology sourcing // Cambridge Journal of Economics. 2006. - Vol.30. - P. 277-291. Bergman E., Feser E. Industrial and Regional Clusters: Concepts and Comparative Applications <http://www.rri.wvu.edu/WebBook/Bergman-Feser/chapter3.htm>); Maskell P., Lorenzen M. Firms & Markets, Networks & Clusters: Traditional & Creative Industries // DRUID Winter Conference 2004 p. Storper M. Territories, Flows, and Hierarchies the Mainstream of Economic Development // European in the Global Economy: Spaces of Globalization: Planning Studies. Vol. 5. Is. 1. 1997. P. 3-23. Reasserting the Power of the Local. New York: Guilford Press. 1997. 157 p. Rosenfeld S. Bringing Business Clusters into the Mainstream of Economic Development. European Planning Studies, vol. 5, iss. 1, 1997, pp. Tishchenko A.N. Teoriya i praktika organiza-tsii klasterov: zarubezhnyi opyt [Theory and practice of cluster organization: the foreign experience]. Problemi ekonomiki - Problemi emhOMim, 2010, no. 2, pp.;

⁴ Третьяк В.П. Кластеры предприятий (Монография Изд. 3-е) М.,2011 с.352-359.; Мигранян, А.А. Теоретические аспекты формирования конкурентоспособных кластеров в странах с переходной экономикой Текст. / А.А. Мигранян. // Вестник КРСУ, т. 2. 2002.; Клейнер Г.Б., Качалов Р.М., Нагрудная Н.Б. Синтез стратегии кластера на основе системно-интеграционной теории//Отраслевые рынки. -2008. -№5-6(18).; Пилипенко И.В. Конкурентоспособность стран и регионов в мировом хозяйстве: теория, опыт малых стран Западной и Северной Европы, М, 2005. С.491-502.; Цихан, Т.В. Кластерная теория экономического развития/Т.В. Цихан//Теория и практика управления. - 2003. - №5. - С. 40.;

⁵ Бекмуродов А.Ш. Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион юксалиш моделини излаб. – Т.: XXI ASR, 2018. 215-б.; М.А. Рахматов, Б.З. Зарипов. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Рисола. Т.: «Zamin Nashr», 2018.; Карриева Ё. Ўзбекистонда кластерлар фаолиятини инновацион ривожлантиришда логистикани қўллаш. Бизнес-эксперт журналі 2019 йил 6-сон. 2-б.; Р.Д.Дусмуратов, А.К. Айтимбетов. Балиқчилик кластерларини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари. Аграр тармоқ иқтисодий салоҳиятини оширишда институционал ислохотлар ва ва агрокластерларни ривожлантиришнинг ўрни. Республика илмий-амалий анжумани–Тошкент, 18-май 2021.; Хақимов З. Тўқимачилик саноатида кластерларни шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги.Бизнес-эксперт журналі 2019 йил 4-сон. 4-б.; Б.Ш. Усмонов, О. Раджабов. Изучение опыта развития и управление инновациями в кластерах. Т.: Fan va texnologiya, 2017 г.; Хасанов Б.А., Алиқулов А.И., Джуманова А.Б., Суёнов Ё.Б., Хасанова Р.Б. Амалий бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: «Iqtisodiyot», 2019. – 290 б.; Хасанова Р.Б. Пахта-тўқимачилик кластерларида бошқарув сегментар ҳисоби ва ҳисоботи самарадорлигини аниқлашнинг услубий жиҳатлари//«Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar» ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, Хожиёва Н.Д. Миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини оширишда кластер ёндашуви// «Academic research in educational sciences» Volume 1 | ISSUE 4 | 2020 issn: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804.; А. Солиев, Х. Кодиров. Кластеризация экономики – важнейший фактор стратегического планирования. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар. Т.: 2019., №1. 104-108 б.; К.Шадиметов “Кластер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришнинг асосий йўналишлари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами (2020 йил 10 ноябрь). - Т.: ТДИУ, 2020. - 391 б. Д.Мамасоатов “Қишлоқ хўжалигида кластер ва кооперация муносабатлари” “Кластер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришнинг асосий йўналишлари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами (2020 йил 10 ноябрь). - Т.: ТДИУ, 2020. - 391 б.; Хақимов Б. Зарарсизлик нуқтаси таҳлилин ишлаб чиқариш левериджи асосида амалга ошириш//Халқаро молия ва ҳисоб №1-2 сон; М.Абдуллаев “Кластер тизимини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришнинг ўзиги хос хусусиятлари” “Кластер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришнинг асосий йўналишлари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами (2020 йил 10 ноябрь). - Т.: ТДИУ, 2020. - 391 б.; Топилдиев С.Р. “Ўзбекистонда саноат кластерларини ташкил этишнинг назарий асослари” “Кластер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришнинг асосий йўналишлари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами (2020 йил 10 ноябрь). - Т.: ТДИУ, 2020. - 391 б.;

мавзуда илмий-тадқиқот олиб бориш, шунингдек, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодий-технологик модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кластер тизимидаги хўжалик субъектларида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кластер тизимида фаолият юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобини юритишнинг ўзига хослиги ҳамда харажатларни бошқаришнинг ахборот таъминотиغا заруриятини асослаш;

кластер тизимидаги хўжалик субъектлар ишлаб чиқаришида банд бўлган асосий воситаларни умумий фойдаланишда бўлган, тармоқ хусусиятини ифодаладиган ва кам ишлатиладиган гуруҳларга ажратиш орқали амортизация нормаларини ҳамда тугатиш қийматини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган инвентарь ва хўжалик анжомларини ҳисобдан чиқаришда уларнинг иштироки ва фойдаланиш муддати бўйича ҳисобини юритиш, харажат моддалари бўйича, ишлаб чиқариш, давр ёки келгуси давр харажатларига ҳисобдан чиқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

кластер тизимидаги хўжалик субъектларида солиқ харажатлари ҳисобини юритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

кластер тизимидаги хўжалик субъектларида қишлоқ хўжалик техникаларидан самарали фойдаланиш, уларнинг иш унумдорлигини ошириш мақсадида техникаларга қилинган харажатлар ҳисобини батафсил юритиш бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисоби регистрини ишлаб чиқиш;

кластер тизимидаги хўжалик субъектларда буғдой ва дон маҳсулотлари етиштиришда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ҳудудлар ва контурлар бўйича юритиш орқали такомиллаштириш таклифини тайёрлаш;

кластер тизимидаги контурлар (ҳудуднинг алоҳида қисмлари) бўйича пахта таннархини ҳисоблаш ва харажатлар ҳисобини юритиш тартибини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш таклифини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кластер тизимида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети кластер тизимидаги хўжалик субъектларда харажатлар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ ҳисобга доир муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари диссертацияда илмий мушоҳада, гуруҳлаш, таққослаш, индукция ва дедукция, монографик кузатиш, анализ ва синтез, иқтисодий-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мавсумий фойдаланиладиган асосий воситаларга бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда, доимий ишлатиладиган асосий воситаларга тенг маромли (тўғри чизиқли) амортизация ҳисоблаш орқали харажатлар оптималлаштириш таклиф этилган;

асосий воситаларнинг амортизация нормаларини, умумий фойдаланишда бўлган асосий воситаларга 15-20 фоиз, тармоқ хусусиятини ифодалайдиган асосий воситаларга 10-15 фоиз, кам ишлатиладаган асосий воситаларга 5-10 фоиз миқдорида белгилаш таклиф этилган, шу асосда маҳсулот таннархи таркибидаги амортизация харажати 5 фоизга камайтириш асосланган;

ишлаб чиқариш аҳамиятидаги инвентарь ва хўжалик анжомларини уларнинг ишлаб чиқаришдаги иштироки ва фойдаланиш муддатига қараб ҳисобини юритиш орқали харажатларни ишлаб чиқариш, давр ҳамда келгуси давр харажатларига ўтказиш асосланган;

9821-«Мол-мулк ва ресурс солиқлари», 9822-«Ер солиғи», 9823-«Бошқа солиқлар»ни ҳисобга олувчи ишчи счётларини киритиш асосида агрокластер корхоналари ҳисоб сиёсати такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалик техникаларининг ҳар бир тури бўйича даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги «Қишлоқ хўжалик техникалари бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисоб регистри» ишлаб чиқилган;

кластер тизимидаги хўжалик субъектларида пахта ва дон маҳсулотларини етиштиришда ҳудудлар ва контурлар бўйича харажатлар ҳисобини юритишда ҳисоб регистри шакли ишлаб чиқилган ҳамда 1С дастурида буғдой ва дон маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш, харажатлар ҳисобини юритиш имконини берувчи янги электрон платформа яратилган;

солиқ харажатларини оптималлаштириш мақсадида фойда солиғи ва кўшилган қиймат солиғи бўйича алоҳида-алоҳида ва мутаносиб усулларни танлаш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги изланишлар жараёнида фанда тан олинган ёндашув ва усуллардан фойдаланилганлиги, ундаги маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан, кластер тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб ва ҳисобот маълумотларидан олинганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалиётда жорий этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар кластер тизимидаги хўжалик субъектларида харажатлар ҳисобига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва амалий тавсиялардан кластер тизимидаги хўжалик субъектларида

агротехникалар бўйича харажатлар ҳисобини юритиш, маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш ҳамда солиқ харажатлари ҳисобини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кластер тизимидаги хўжалик субъектларида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мавсумий фойдаланиладиган асосий воситаларга бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда, доимий ишлатиладиган асосий воситаларга тенг маромли (тўғри чизиқли) амортизация ҳисоблаш орқали харажатлар оптималлаштириш таклифи «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси тизимидаги агрокластерлар ва «Тошкент Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамияти ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг 2021 йил 7 сентябрдаги 03/08-186-сон, ва «Тошкент Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 2021 йил 17 майдаги №09-311-сон маълумотномалари). Натижада, ҳар бир асосий восита балансга кирим қилинган кундан то чиқим қилинган кунгача бўлган ҳар бир ҳисобот даврида барча бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, ҳисобланган амортизация ва сервис харажатлари, ҳар бир техникага тегишли даромадлар ҳисобини бир вақтда юритиш имконияти яратилиб, техникалар бўйича харажатларни оптималлаштириб бориш, бўш туриб қолган техникалардан самарали фойдаланиш механизми яратилган ҳамда ҳар бир техника бўйича таҳлил қилиш, қарорлар қабул қилишга хизмат қилган;

асосий воситаларнинг амортизация нормаларини, умумий фойдаланишда бўлган асосий воситаларга 15-20 фоиз, тармоқ хусусиятини ифодалайдиган асосий воситаларга 10-15 фоиз, кам ишлатиладиган асосий воситаларга 5-10 фоиз миқдорида белгилаш таклифи «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси тизимидаги агрокластерлар амалиётига жорий қилинган («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг 2021 йил 7 сентябрдаги 03/08-186-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф кластер тизимидаги корхоналарида маҳсулот таннархи таркибида амортизация харажатларини амалдагига нисбатан 5 фоизга пасайтириш имконини берган;

ишлаб чиқариш аҳамиятидаги инвентарь ва хўжалик анжомларини уларнинг ишлаб чиқаришдаги иштироки, ва фойдаланиш муддатига қараб ҳисобини юритиш орқали харажатларни ишлаб чиқариш, давр ҳамда келгуси давр харажатларига ўтказиш таклифи «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси томонидан тизим ташкилотлари амалиётига жорий қилинган («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг 2021 йил 7 сентябрдаги 03/08-186-сон маълумотномаси). Натижада корхоналар ҳисоб сиёсатида инвентарь ва хўжалик анжомларини ҳисобини шаффофлиги ва аниқлигини таъминлаш имконияти яратилган;

9821-«Мол-мулк ва ресурс солиқлари», 9822-«Ер солиғи», 9823-«Бошқа солиқлар»ни ҳисобга олувчи ишчи счётларини киритиш асосида ҳисоб сиёсати такомиллаш бўйича таклифи «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик

кластерлари» уюшмаси тизимидаги агрокластерлар ва «Тошкент Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамияти ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг 2021 йил 7 сентябрдаги 03/08-186-сон, ва «Тошкент Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятининг 2021 йил 17 майдаги №09-311-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши кластер тизимидаги корхоналарда солиқ харажатларини ҳар бир солиқ тури кесимида аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини берган. Бу эса солиқ харажатларини камайтириш ва оптималлаштиришда муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва ижобий хулоса олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, ОАК эътироф этган журналларда 5 та, жумладан, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 9 та маъруза ва тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Кластер тизимидаги хўжалик субъектларида харажатлар ҳисобини юритишнинг назарий-услубий асослари»** номли биринчи бобида, кластер тизимини Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрни ва уни ривожлантириш зарурияти, кластер тизимида харажатлар ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ва агрокластерларда харажатлар ҳисобини юритиш масалалари ва назарий хусусиятлари тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган институционал ва таркибий ўзгаришлар натижасида шаклланган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий муносабатларнинг мунтазам равишда такомиллаштириб борилишини тақозо этмоқда. Жумладан, агрокластерларни барпо этиш борасида янги йўналиш бугунги кунда аграр сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда.

Бу борада эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрда «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5853-сонли Фармони⁶ қабул қилинди. Мазкур Стратегиянинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган.

Хусусан, 2020-2030 йиллардаги режалаштирилган ислоҳотларга назар соладиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги ҳам республикаимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга ҳисса қўшишини кўришимиз мумкин (1-жадвал)

1-жадвал

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги айрим иқтисодий кўрсаткичларнинг 2020-2030 йилларда ўзгариши⁷

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Асос (2018 й.)	Йиллар бўйича мақсад		
			2021	2025	2030
1.	Қишлоқ хўжалигида қўшилган қийматнинг йиллик ўсиши (асосга нисбатан %да)	14 млрд АҚШ долл	3	5	5
2.	Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ошиши (млрд АҚШ долл)	2,3	3,5	10	20
3.	Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бирлашмалари шериклигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспортдаги улуши (%)	2	15	23	30
4.	Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бизнесига жалб этилган инвестициялар умумий ҳажмининг ўсиши (асосга нисбатан %да)	650 млн АҚШ долл.	20	40	80
5.	Мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиётни қўллайдиган ҳамда халқаро сифат менеджменти тизимини жорий этган фермер хўжаликлари сонининг ошиши (%)	2	5	10	20
6.	Қишлоқ жойларда кичик ишлаб чиқарувчилар (микрофирмалар) умумий сонининг ўсиши (асосга нисбатан %да)	129 221	10	20	30

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, келгуси 10 йилликда қўшилган қийматнинг йиллик ўсишида қишлоқ хўжалигининг улуши 5 фоизга оширилиши, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ўсишида сал кам 9 баробарга ошиши, қишлоқ хўжалигида кичик ишлаб чиқарувчилар сонининг 30 фоизга ўсиши бевосита иқтисодиётнинг ҳам шунга мос равишда ўсишига олиб келади.

⁶ <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-ishlo-kh-zhaligini-rivozhlantirishnin-24-10-2019=5295215>

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони асосида муаллиф томонидан тузилган

Экспертлар ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда дунёдаги илғор давлатлар иқтисодиётининг қарийб 50 фоизи кластер усулига ўтган. Масалан, Европа Иттифоқида 2 мингдан зиёд кластерлар мавжуд бўлиб, уларда ишчи кучининг 38 фоизи қамраб олинган.

Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция саноатида тўлиқ кластер усули тадбиқ қилинган. АҚШда эса мамлакатдаги мавжуд корхоналарнинг ярмидан зиёди шу тизимда ишлаб, улар томонидан тайёрланаётган товарлар ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизини ташкил қилади. Уларнинг энг машҳури кўпчиликка таниш бўлган «Силикон водийси»дир. 87 мингта компания, 40 та тадқиқот маркази ва ўнлаб университетлар фаолият юритадиган мазкур инновацион кластер инфратузилмасига 180 та венчур фирмаси, 47 та инвестиция ва 700 та тижорат банки хизмат кўрсатиб келади⁸. Бундан кўриш мумкинки дунёнинг ривожланган давлатлари айнан кластерлаштириш йўлидан бормоқда деган саволга дунё экспертлари қуйидагича жавоб бермоқда:

Мамлакатимизда ҳам жамиятнинг мукамал инновацион қиёфасини яратишда кластер усулидан фойдаланишга катта эътибор қаратилаётганлиги биргина «ТСТ cluster» ва «ВСТ CLUSTER AGROKOMPLEKS» МЧЖ томонидан эришилган натижалар мисолида кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал.

«ТСТ cluster» ва «ВСТ CLUSTER AGROKOMPLEKS» МЧЖларида кластер тизими самарадорлигининг қиёсий таҳлили⁹

№	Кўрсаткичлар	Кластер ташкил этилгунгача фермер хўжаликлари даврида (2018 йил)		Кластер тизимига ўтилганидан сўнг (2020 йил)		Ўсиш суръатлари (фоиз)	
		ВСТ	ТСТ	ВСТ	ТСТ	ВСТ	ТСТ
1.	Пахта ҳосилдорлиги (центнер)	11	11.4	42	40	281,8	250,8
2.	Ғалла ҳосилдорлиги (центнер)	29	28	46	45	58,6	60,7
3.	Фермер хўжаликларида аҳоли бандлиги, киши	450	895	3400	8104	655,5	805,4
4.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, (млрд.сўм)	270	310	432	500	60	61,3
5.	Солиқ тўловлари (млрд.сўм)	3,7	4	35	44	845,9	1000
6.	Техника ва агрегатлар сони	673	851	1456	2 890	116,3	240

Маълумотларидан кўришимиз мумкинки, фермер хўжаликлари даврида пахта ҳосилдорлиги 11,4 центнер бўлган бўлса, кластерга ўтгандан сўнг бу кўрсаткич 40 центнер бўлган, тумандаги шу кластерга ажратилган ерларда

⁸ «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 22 ноябрь, №241 (7199), 3 б.

⁹ Тадқиқот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

895 та киши иш билан банд бўлган бўлса, кластерга ўтгандан кейин бир йилда иш билан таъминлаш сони 8104 тани ташкил этиб, ишчиларнинг доимий иш билан бандлиги таъминланган. Шу билан бирга бошқа кўрсаткичлар ҳам сезиларли ошган.

Бухоро вилояти, Ромитан туманида жойлашган «VCT cluster» МЧЖ томонидан эришилган натижалар ҳам кластер тизимининг дастлабки самарадорлигини кўрсатади.

Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки ривожланган мамлакатларда кластер тизимини жорий қилинганлиги, буни эса давлат томонидан қўллаб-қуватланганлиги, бу соҳа давлатни ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Кластер корхоналарини ташкил қилиш, доимий иш ўринларини яратиш, солиқ тўловларини тўлаш орқали бюджетни маблағ билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасини янада ривожлантириш, тармоқда экспорт ҳажмини ошириш кейинги ўн йилликда қишлоқ хўжалигини сезиларли ривожланишига, бу жараёнда кластерларни асосий куч сифатида майдонга чиқишига замин яратади. Бу эса, қишлоқ хўжалиги, жумладан, кластерлар мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшишини аниқлатади.

Кластер тизимидаги хўжалик субъектларида харажатлар ҳисобини юритиш, ҳисоб юритишни ўз вақтида тўлиқ ахборот билан таъминлаш лозимлиги хорижий олимларнинг ўз асарларида келтирилган. Уларнинг билдирган фикрлари ёритиб берилган.

Диссертация ишининг иккинчи боби «**Кластер тизимидаги хўжалик субъектларида харажатлар ҳисобини юритиш амалиёти**» деб номланиб, унда харажатлар ҳисобини ташкил этишнинг амалий аҳамияти, агрокластерларда асосий воситалар билан боғлиқ харажатлар ҳисобини юритиш ҳолати, шунингдек мазкур бобда кластер тизимидаги корхоналарда харажатлар ҳисобини юритишнинг услубий жиҳатлари келтирилган бўлиб, уларни ўрганиш натижасида қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

Бизнингча, аграр соҳада кластер тизимини ташкил этиш ва хом-ашё етиштиришдан истеъмолчига тайёр маҳсулот етиштиришгача бўлган даврдаги асосий масала, бу қишлоқ хўжалигининг мавсумийлигидир. Шу боис, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришни режалаштиришда мана шундай хусусиятни албатта инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Харажатлар ҳисобини юритишда тармоқ ёки соҳанинг ҳамма томонини ҳисобга олиш, таъминотдан реализациягача бўлган барча жараёнлар ҳисобини юритиш лозим.

Кластер тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларда харажатлар ҳисобини юритишнинг яна бир хусусияти борки, у ҳам бўлса, кластер корхоналарида бир нечта фаолият турларнинг мавжудлигидир. Шу боис, кластер тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларида бухгалтерия ҳисобини, жумладан турли кўринишдаги харажатлар ҳисобини юритиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масала бўйича ҳам олиб борилган тадқиқотлар кўрсатдики, кластер тизимидаги хўжалик субъектларида ҳисоб юритиш бошқа корхоналарга нисбатан сезиларли мураккаблик касб этади. Бу

борада айниқса, харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда харажатлар ҳисобини юритишда тармоқ ёки соҳанинг ҳамма томонини ҳисобга олиш, содда қилиб айтганда таъминотдан реализациягача бўлган барча жараённи ҳисобини юритиш лозим. Ўрганишлардан маълум бўлдики, объектлартимизда асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг бошланиши ойнанинг 15-санасига қадар сотиб олинган асосий воситалар бўйича шу ойнанинг 1 санасидан, 15-санадан кейин сотиб олинган асосий воситалар бўйича кейинги ойнанинг 1-санасидан бошланиши белгиланган. Мазкур масала амалдаги меъёрий ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида ҳам асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тартиби бўйича амалиётга тўғри келмайдиган, шу билан бирга маҳсулот таннархига тақсимот қилиш нотўғри бўлиб, айрим ҳолларда таннархни ошишига айрим ҳолларда эса камайишига олиб келинадиган ҳолатлар мавжуд.

Биринчи навбатда стандарт талабига кўра, асосий восита кириш қилинган ойда амортизация ҳисобланмайди. Иккинчидан, стандартда чиқим қилингунга қадар амортизация ҳисобланиши белгиланган, аммо, бу ерда чиқим қилинган ой тўлиқ олинадими ёки чиқим қилинган кун билан амортизация ҳисоблаш тўхтатиладими бу бўйича аниқ норма мавжуд эмас. Демак, асосий воситаларнинг кириш ва унга амортизация ҳисобланиши айниқса, қишлоқ хўжалик корхоналари учун муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мурожаат қиладиган бўлсак, унда асосий воситага амортизация ҳисоблаш асосий восита кириш қилинган, ишга туширилган вақтдан бошлаб ҳисобланиши ҳамда чиқим қилинган вақтда тўхтатилиши келтириб ўтилган¹⁰.

Шу боис, бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги кластер корхоналарида:

Биринчидан, асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг қолдиқли камайиш ва бажарилган иш ҳажмига муносиб равишда амортизация ҳисоблаш усуллари кенг жорий қилиш;

Иккинчидан, асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда кириш қилинган кундан чиқим қилинган кунгача амортизация ҳисоблаш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Биз томонимиздан кластер тизимидаги хўжалик субъектларда ишлаб чиқаришда банд бўлган асосий воситаларнинг амортизация нормаларини, ҳамда тугатиш қийматини умумий фойдаланишда бўлган, тармоқ хусусиятини ифодаладиган ва кам ишлатиладиган гуруҳларга ажратиш орқали белгилаш лозимлиги асосланди.

Бунда:

Биринчи гуруҳга, корхонада доимий хизмат қиладиган ва ҳар қандай корхонада фойдаланиш мумкин бўлган транспорт воситаларини киритиб, улар учун амортизация нормаларини 15-20 фоиз ҳамда бошланғич қийматига мос равишда тугатиш қийматини 15 фоиз белгилаш.

Иккинчи гуруҳга, айнан қишлоқ хўжалиги ёки бошқа кластер

¹⁰ Асосий воситалар – халқаро стандарт

тармоғининг хусусиятини ифодалайдиган асосий воситаларни киритиб, амортизация нормаларини 10-15 фоиз ҳамда бошланғич қийматига мос равишда тугатиш қийматини 10 фоиз белгилаш;

Учинчи гуруҳга жудаям кам ишлатиладиган ҳамда тармоқ билан боғлиқ асосий воситаларни киритиб, амортизация нормаларини 5-10 фоиз ҳамда бошланғич қийматига мос равишда тугатиш қийматини 5 фоиз белгилаш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳ асосий воситаларига енгил ва юк автомобиллари, иккинчи гуруҳга киритиладиган асосий воситалар эса, айнан қишлоқ хўжалиги ёки бошқа тармоқ кластерининг тўғридан тўғри хусусиятини ифодалайдиган асосий воситалар, учинчи гуруҳдаги асосий воситаларга эса, жудаям кам фойдаланилаган, ҳатто бир неча йилларда бир маротаба фойдаланиладиган асосий воситаларни киритиш лозим.

Бизнинг фикримизча, асосий воситаларга ҳисобланадиган амортизация нормаларини ҳамда тугатиш қийматини белгилаш таклифи орқали, кластер тизимидаги корхоналарда маҳсулот таннархи таркибидаги амортизация харажатларини амалдагига нисбатан 5 фоизга пасайтириш имконини берган.

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизация ҳисоблашда асосий воситалар кирим қилинган ойдан кейинги ойдан эмас, кирим қилинган кундан бошланиши мақсадга мувофиқ. Шунда қишлоқ хўжалик техникаларидан асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг қайси усули қўлланилишидан қатъи назар, амортизация харажатларининг таннархга тақсимот ҳаққоний бўлади. Қишлоқ хўжалиги техникаларига нисбатан, бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизация ҳисоблаш усулини қўллаш ва бундан корхоналар томонидан асосий восита фойдали хизмат муддатини мустақил белгилаш лозим.

Диссертациянинг «Кластер тизимидаги хўжалик субъектларида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида кластер корхоналарида моддий харажатлар ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, шунингдек диссертация ишининг мазкур бобида кластер корхоналарида давр ва келгуси давр харажатлари ҳисобини такомиллаштириш ёритиб берилган.

4-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти талаблари ҳамда ўрганишлар шуни кўрсатдики, кластер корхоналаридан ишлатиладиган ва инвентарь ва хўжалик анжомлари сифатида ҳисобга олинаётган қийматликларнинг аксарияти тўғридан тўғри харажатга ҳисобга чиқарилмоқда. Бизнинг фикримизча, инвентарь ва хўжалик анжомларини ҳисобдан чиқаришда уларнинг қийматига ва фойдаланиш муддатига қараб ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ. Аммо, бу жараёнда 4-сонли БҲМСда келтирилган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробари нормасини барча инвентарь ва хўжалик анжомларига нисбатан қўллаб бўлмайди. Бунинг сабаби, корхонадаги айрим инвентарь ва хўжалик анжомларини қиймати юқори бўлмасада хизмат муддати аниқ. Одатда уч, олти ёки бир йил хизмат қилиши мумкинлигини тажрибадан маълум. Бизнинг фикримизча, инвентарь ва хўжалик анжомларини харажат моддалари бўйича, ишлаб чиқариш, давр

ёки келгуси давр харажатларига ҳисобдан чиқаришда биринчи навбатда унинг хизмат қилиш муддатини ҳисобга олиш лозим. Агар хизмат қилиш муддати бир даврдан, одатда бир ойдан кўпни ташкил этса, ундан кейин унинг қийматини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари қийматининг уларни фойдаланишга беришда ҳисобдан чиқариш тартиби, шунингдек, уларнинг қийматини харажатларга киритишнинг фойдаланилаётган усули ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

Тадқиқот натижасида агрокластерлардан харажатлар ҳисобини тўлиқ юритиш, ҳар бир ишлатилган техника бўйича қилинган харажатларни умумлаштириш, шу билан бирга жами харажат ва жами даромадларни шакллантириш орқали ҳар бир техника бўйича олинган фойдани топиш имконини берадиган «Қишлоқ хўжалик техникалари бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисоби регистри» ишлаб чиқилди¹¹ (3-жадвал).

3-жадвал

«TCT CLUSTER» МЧЖ томонидан 2021 йил олти ой давомида ҳар бир техника бўйича қилинган харажатлар реестри¹²

Давлат рақами	Техника	Агат очиш (Мослама билан) SCT	Борона ва мола 1-марта	Қатқалок ни юмшатиш	Культивация 1	Жами харажат
10/НА847	Экскаватор (колесный) - Volvo EW205D (1,05м3)	65 441 015	448094	2339872	13 864 737		85 827 838,25
10JA117	Трактор «TTZ 100 HC»	9 639 441	264295	1471519	3 837 452		46 110 168,45
10/НА833	Экскаватор (колесный) - Volvo EW60C (0,35м3)	31 799 909					31 799 909,28
10НА423	Трактор «TTZ 100 HC»	9 639 441	765327	8944144	3537746		29 264 381,42
10НА442	Трактор «TTZ 100 HC»	9 639 441	903643	13552636	5441825		37 067 910,83
10НА507	Трактор «TTZ 100 HC»	9 639 441	631657	4139992	5017111		24 692 010,58
10НА459	Трактор «TTZ 100 HC»	9 639 441	600466	3424423	4116007		22 784 224,97
10/НА700	Трактор пахотный - PUMA 210 (CASE III)	46925749	1949129	7507447	20374043		110 101 585,40
10/НА220	Трактор - New Holland T7060	45875367	1917865	24516018	6020016		115 428 382,58
10/НА328	Экскаватор (гусеночный) - SDLG LG6210F (0,65м3)	52006419	4107948	30258407	8133051		128 738 729,07
10/НА224	Трактор - New Holland T7060	45875367	4028432	64169430	5481191		166 168 400,41
ЖАМИ		65441015	448094	2339872	13864737	...	17266903861

